



## МОДЕРНИЗАЦИЯ ЖАРАЁНИДА РУС ТИЛИ ФАНИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МЕЗОНЛАРИ

DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2022.75.13.036>

Носирова Барно Тошпулатовна

Ўзбекистон Республикаси Ички ишилар вазирлиги академияси тилларни ўрганиши  
кафедраси ўқитувчи

*Аннотация.* Мазкур мақолада, модернизация жараёнида рус тили фани ўқитувчиларининг касбий компетентлигини ривожлантириши мезонлари илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилинган. Шунингдек мақолада, педагогик қобилиятлар, педагогик диентология, педагогик бурч, адолат ва мажбурият таълимнинг узлуксизлиги ва изчилигини таъминлашда муҳим педагогик аҳамият касб этиши амалий жиҳатдан таҳлил қилинган.

*Калит сўзлар:* таълим, ўқитувчи, педагогик одоб, модернизация, рус тили фани ўқитувчилари, касбий компетентлик, тамойил, методологик, дидактик, технологик, методик, давлат таълим стандартлари, касбий малака, креатив ёндашув.

## КРИТЕРИИ РАЗВИТИЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ УЧИТЕЛЕЙ РУССКОГО ЯЗЫКА В УСЛОВИЯХ МОДЕРНИЗАЦИИ

Носирова Барно Тошпулатовна,

преподаватель кафедры языков, Академия МВД Республики Узбекистан

*Аннотация.* В данной статье проводится научно-теоретический анализ критериев развития профессиональной компетентности учителей русского языка в условиях модернизации. В статье также анализируется практическая педагогическая роль педагогического мастерства, педагогической диентологии, педагогического долга, справедливости и обязательности в обеспечении преемственности и системности образования.

*Ключевые слова:* образование, учитель, педагогическая этика, модернизация, учителя русского языка, профессиональная компетентность, принцип, методические, дидактические, технологические, методические, государственные образовательные стандарты, профессиональная квалификация, творческий подход.

## CRITERIA FOR THE DEVELOPMENT OF PROFESSIONAL COMPETENCE OF RUSSIAN LANGUAGE TEACHERS IN THE CONDITIONS OF MODERNIZATION

Nosirova Barno Toshpulatovna

Academy of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan  
teacher of the department of languages

*This article provides a scientific and theoretical analysis of the criteria for the development of professional competence of Russian language teachers in the context of modernization. The article also analyzes the practical pedagogical role of pedagogical skills, pedagogical dientology, pedagogical duty, justice and commitment in ensuring the continuity and systemic nature of education.*

*Key words:* education, teacher; pedagogical ethics, modernization, Russian language teachers, professional competence, principle, methodical, didactic, technological, methodical, state educational standards, professional qualification, creative approach.

Республикамизда таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий тамоилилари

сифатида таълим ва тарбиянинг инсонпарвар, демократик характерда эканлиги, таълимнинг узлуксизлиги ва изчилиги, умумий ўрта, шунингдек ўрта маҳсус, касб-хунар таълимининг мажбурийлиги, ўрта маҳсус, касб-хунар таълимининг йўналиши: академик лицей ёки касб-хунар коллежида ўқишни танлашнинг ихтиёрийлиги, таълим тизимининг дунёвий характерда эканлиги, давлат таълим стандартлари доирасида таълим олишининг ҳамма учун очиқлиги, таълим дастурларини танлашга ягона ва табақалаштирилган ёндошув, билимли бўлишни ва истеъодони рағбатлантириш, таълим тизимида давлат ва жамоат бошқарувини уйғунлаштириш кабилар белгилаб берилган. [4;]

Умумий ўрта таълим жараёнини модернизация қилишнинг истиқболли йўналиши, педагогларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш асосида мутахассисларни методологик, дидактик, технологик, методик ва атамавий билимлар билан “куроллантириш”дан иборат вазифаларни ўз ичига олади. Мазкур вазифалар ижросини таъминлаш қуидагиларни ўз ичига олади: касбий салоҳиятнинг тузилиши ва таркибини шакллантиришга назарий ва услубий ёндашувларни ўрганиш;

мутахассисларнинг касбий компетенцияларнинг дидактик асосларини ишлаб чиқиши ва х.к.

Тажриба ва кузатишларимизга таяниб, умумий ўрта таълим муассасаларида рус тили фани ўқитувчиларнинг касбига доир муҳим бўлган шахсий сифатларини шакллантириш ва ривожлантиришнинг психологик ва педагогик механизмларини инновацион жиҳатдан таҳлил қилиш, касбий компетентлигини такомиллаштиришда қуидаги билим, кўникма ва малакаларни билишлари лозимлигини аниқладик:

- ўз профессионал, назарий ва амалий билимларини узлуксиз ошириб бориш, ўзининг дунёкараши, билим ва тажрибасини доимий равишда кенгайтириш, янги билимларни ўзлаштиришга интилиш, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда янги ахборотларни, илфор тажрибаларни ўрганиш;

- юксак касбий малака ва маънавий-ахлоқий фазилатларга, мантиқий фикрлаш қобилиятига эга бўлиш, креативлик, зийраклик, кузатувчанлик, ҳамда билиш билан боғлиқ интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш;

-хар томонлама кенг билим ва юксак профессионал маҳоратга эга педагог бўлиш, касб одобига оид илмий адабиёт ва оммавий нашрлардан фойдаланиш;

- билимдон педагогга хос сифатлар: - ижтимоий субъектлар билан ўзаро алоқада, маданий мулокотда бўлиш;

- мутахассислик йўналиши бўйича ахборотларни излаш, топиш, уларни таълим мазмунига таянган ҳолда қайта ишлаш ва касбий фаолият жараённида - улардан самарали фойдалана билиш;

- ўқув ахборотларини ўқувчиларга етказиб бера олиш.

-хорижий тилларни ўзлаштириш, хорижий тилда турли жанрдаги (телеқўрсатув, радио эшиттириш, эълонлар, янгиликлар ва х.) аудио ва видео матнларни эшитиб, асосий маъносини тушуниб муҳокама қила олиш;

-хар қандай оғзаки нутқни тинглаб тушуниш.

-таълим тизимида мутахассисларни тайёрлашни сифат жиҳатидан яхшилаш, таълимнинг хилма хил шакллари ва усусларидан фойдаланиш ёрдамида ёшларнинг билим олишида замонавий таълим технологиялари ва ўқитишнинг интерфаол усусларини қўллаш долзарб вазифалардан биридир.

Шу ўринда замонавий таълим технологияларига тўхталиб ўтишни лозим топдик. Замонавий таълим технологиялари деганда ўқитишнинг техник воситалари ёки компьютерлардан фойдаланиш тушунилмайди, балки бу таълим жараёнини ташкил этишда ўқув фаолиятининг самародорлигини оширувчи омилларни таҳлил қилиш, ҳамда усул ва материалларни қўллаш, шунингдек қўлланилаётган усусларни баҳолаш йўли



орқали таълим жараёнининг асосларини ва уни лойиҳалаштириш йўлларини ишлаб чикиш демакдир. [2:]

Педагогик луғатларда касбий компетентлик – мутахассис томонидан касбий фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларнинг эгалланиши ва уларни амалда юқори даражада кўллай олиниши сифатида қайд этиб ўтилган. [5:]

Касбий компетентлик мутахассис томонидан алоҳида билим, малакаларнинг эгалланишини эмас, балки ҳар бир мустакил йўналиш бўйича интегратив билимлар ва ҳаракатларнинг ўзлаштирилишини назарда тутади. Шундан келиб чиқиб, модернизация жараёнида рус тили фани ўқитувчиларининг касбий компетентлигини ривожлантириш янги ахборотларни ўрганишни, муҳим ижтимоий талабларни англай олишни, янги маълумотларни излаб топиш, уларни қайта ишлаш ва ўз фаолиятида кўллай билишни тақозо этади.

Педагогик адабиётлар таҳлилига асосланиб айтишимиз мумкинки, касбий компетентлик куйидаги ҳолатларда яққол намоён бўлади:

- ўз билимларини изчил бойитиб боради;
- янги ахборотларни ўзлаштиради;
- давр талабларини чуқур англайди;
- янги билимларни излаб топади;
- уларни қайта ишлайди ва ўз амалий фаолиятида самарали қўллайди;

Тажриба ва синов ишлари жараёнида биз, рус тили фани ўқитувчиларининг касбий, педагогик компетентлигини ривожлантиришда ўз устида ишлаш ва ўз-ўзини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга деган хulosага келдик. Ўз-ўзини ривожлантириш вазифалари ўзини ўзи таҳлил қилиш ва ўзини ўзи баҳолаш орқали аниқланади.

Биламизки, таълим жараёнини ташкил этиш технологияси куйидаги икки жиҳати билан тавсифланади:

- 1) ўқитиши (ўқитувчининг фаолияти);
- 2) ўрганиши (ўкувчиларнинг онгли билиш фаолияти). [4:]

Таълим жараёни ўқитиши ва ўрганишдан иборат бўлиб, ўқитиши (таҳсил олувчиларнинг билиш фаолиятларини бошқариш ва текширишга доир ахборот турлари, усул ва воситалари), ўрганиши (ўкув материалыни таҳсил олувчилар томонидан ўзлаштириш турлари, усул, воситалари) ўзининг методлари орқали амалга оширилади. Ўқитиши ва ўрганиши методлари ўзаро узвий алоқада бўлиб, ўқитиши жараёнини амалга оширишга хизмат қиласди.

Ўқитиши жараёнини сифатли ва самарали ташкил этишда ўқитувчининг ўз устида ишлаши яъни мутахассис томонидан ўзини ижтимоий ҳамда касбий жиҳатдан ривожлантириш, камолотга эришиш йўлида мақсадли, изчил, тизимли ҳаракатларнинг ташкил этиши куйидагиларда кўринади ва педагогнинг ўз устида ишлаши бир неча босқичда кечади.

Шу нуктаи назардан қараганда куйидаги амалий ҳаракатлари мутахассис сифатида унинг ўз устида ишлашини ифодалайди:

1. Ўз фаолиятини таҳлил қилиш асосида ютуқ ва камчиликларини аниқлаш;
  2. Ютуқларини бойитиши ва камчиликларни бартараф этиши юзасидан аниқ қарорга келиш;
  3. Ушбу қарор бўйича амалий ҳаракатларни самарали ташкил этиши йўлларини излаш;
  4. Хато ва камчиликларни тақрорламасликка интилиш;
  5. Қабул қилинган қарорнинг изчил бажарилишини доимий назорат қилиб бориш.
- 1-босқич 2-босқич 3-босқич 4-босқич 5-босқич - касбий билим, кўникма ва малакаларни такомиллаштириб бориш;
- фаолиятга танқидий ва ижодий ёндошиш;

- касбий ва ижодий ҳамкорликка эришиш;
- ишчанлик қобилиятини ривожлантириш;
- салбий одатларни бартараф этиб бориш;
- ижобий сифатларни ўзлаштириш. [6;]

Демак, рус тили фани ўқитувчиларининг касбий компетентлигини ривожлантиришда аниқ мақсад, интилиш асосида педагогик жараённи такомиллаштириш;

- педагогик жараён самарадорлигини, ўзининг ишчанлик фаоллигини ошириш;
- изчил равищда янгиланиб бораётган педагогик билимларни ўзлаштириш;
- илфор технология, метод ҳамда воситалардан хабардор бўлиш;
- фаолиятига фан-техниканинг сўнгти янгиликларини самарали тадбиқ этиш;
- касбий кўникума ва малакаларини такомиллаштириш;
- салбий педагогик низоларнинг олдини олиш, бартараф этиш чораларини креатив ҳал қила олиш.

Рус тили фани ўқитувчининг педагогик, психологик, мутахассисликка оид билимлар билан қуроллантириш, дидактик, тарбиявий ишларни ташкил этиш малакаларини ривожлантириш, руҳиятнинг касбий аҳамиятга эга хусусиятлари ва шахсий сифатлари, ўз-ўзини ривожлантириш мақсадлари, умумдидактик шарт-шароитлари, методик омилларига таяниш таълим самарадорлигини таъминлаш учун замин ҳисобланади.

Рус тили фани ўқитувчиларининг касбий компетентлигини ривожлантиришда педагогик одобнинг асосий шакллари қўйидагича мазмун касб этади: Касбий-педагогик бурч. Эзгулик ва ёвузилик, адолат ва адолатсизлик, тўғрисўзлик ва ёлғончилик, раҳмдиллик ва шафқатсизлик, кўнгли оқлик ва кўнгли қоралик, ватанпарварлик ва ватанфуруушлик, тинчлик ва уруш каби умуминсоний ахлоқий қадриятлар инсонлар ҳаёти, турмуш тарзи ва хатти-харакатларида ўзига хос ўлчов бўлиб хизмат қилади.

Педагогик фаолиятда ҳам педагог ушбу қадриятларни улуғлай олиши, уларга таянган ҳолда фаолиятни ташкил этиши лозим. Шунингдек, ҳар бир педагог касбий-педагогик бурчини тўла англай олиши, уни адо этиши йўлида амалий ҳаракатларни ташкил эта билиши зарур. Педагог томонидан жамият, унинг аъзолари, педагогик ва ўқувчилар жамоаси олдида қандай вазифаларни бажариши зарурлигини, касбий-педагогик бурчни бажаришда қандай тамойилларга таянишни аниқ белгилаб олиниши ҳам шахс, ҳам мутахассис ва фуқаро сифатида ўз мавқеини мустакил белгилаш имкониятини яратади.

Касбий-педагогик бурч. Педагогик адолат, педагогик мажбурият (педагогик деонтология) педагогик обрў тамойилларга мувофиқ ташкил эта олса, у ҳолда ўз-ўзига бўлган хурмати ортади, ўз кучига ишонч пайдо бўлади. Бу эса педагогни янгида ютуқларни кўлга киритишга рағбатлантиради. Агарда борди-ю, педагог касбий-педагогик бурчини англаса-да, бироқ, уни мавжуд ахлоқий талабларга мувофиқ ташкил эта олмаса, у ҳолда, энг аввало, ўзига бўлган хурматни йўқотади, ўзини шахс сифатида юқори баҳолай олмайди. [1;]

Педагогик адолат. “Адолат тушунчаси муайян тарихий шарт-шароит ва ижтимоий-иктисодий муносабатлар билан белгиланади. Адолатнинг ахлоқий жиҳати инсонлараро мумомалада бир хил муносабатда бўлишни, бир-бирининг иззат-нафсиға тегмасликни, ахлоқ-одоб қоидаларига риоя килишликни билдиради”. Қолаверса, адолат инсоний қадр-қиммат билан унинг жамият томонидан тан олингандиги, мавжуд ахлоқий қоида ва мажбуриятлар ўртасидаги ўзаро мутаносибликни тавсифлашга хизмат қилади. Педагогик адолат ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, у педагогнинг педагогик жараёнга объектив, ҳаққоний ёндаша олиши, унинг ўқувчилар ҳулқ-атворини жамоа олдидаги хизматларига мувофиқ баҳолаш олишдаги ахлоқий тарбияланганлик даражаси (эзгу ишлари, қатъияти, жиддийлиги, инсонийлиги)ни ифодалайди. [5;]

Педагогик мажбурият (педагогик деонтология). Педагогик одобнинг мухим



категорияларидан бири бўлган – педагогик мажбурият тушунчасида жамият томонидан ўқитувчи шахсига, у томонидан бир қатор педагогик мажбуриятларнинг бажарилишига нисбатан қўйиладиган талаб ва ахлоқий йўл-йўриқ, кўрсатмаларни ўзида жамлайди. [3;]

Педагог касбий фаолиятни ташкил этишда қуидаги мажбуриятларни бажара олиши зарур: муайян меҳнат вазифаларини, асосан, ақлий меҳнат вазифаларини амалга ошириш; ўқувчилар, уларнинг ота-оналари, ҳамкаслар билан ўзаро муносабатни тўғри ташкил этиш; танлаган касбига, ўқувчилар ва педагогик жамоага ҳамда жамиятга бўлган шахсий муносабатини чукур англаш. [5;]

Педагогик мажбуриятлар сирасида, яна шунингдек, касбий фаолиятни ташкил этишга ижодий муносабатда бўлиш, ўзига нисбатан талабчанлик, касбий билимларини бойитиб ва педагогик малакасини оширишга интилиш, ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари билан ўзаро ҳурматга асосланган ва талабчан муносабатни ўрнатиш, мураккаб педагогик низоларни ижобий ҳал қилиш кўникмаларини ўзлаштириш кабиларни ҳам кўрсатиш зурур.

Педагогик обрў. Педагогнинг педагогик обрўга эга бўлиши у томонидан ташкил этиладиган касбий фаолият самарадорлигини кафолатлайди. Педагогик ўзи томонидан қозонган обрўга таяниб, ўқувчиларнинг хулк-атвортарини бошкаради, уларнинг ишончларини қозонади. Педагогик обрў педагогнинг маънавий-ахлоқий ва педагогик-психологик тайёргарлигини ҳам ифодалайди. У эга бўлган обрў даражасини унинг чукур билими, заковати, маҳорати, ўз ишига бўлган муносабати ва бошқалар белгилайди. Педагогик қобилият. Педагогик жараённинг қанчалик самаравали, муваффақиятли ташкил этилиши ўқитувчининг педагогик қобилиятга эгалигига боғлик. [6;]

Хуроса қилиб айтганда, таълимни модернизациялаштириш жараёнида ўқитувчининг фаол, самаравали фаолият кўрсатишига йўналтирилган таълим жараёни ташкил этишда педагогик жараённинг узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш, педагогик механизмларни такомиллаштириш, таълим-тарбиянинг инновацион усусларидан фойдаланиш ўқитувчининг касбий компетентлигини такомиллаштиришда муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

- 1.Мусурмонова О. Ўзбекистонда комил инсонни шакллантириш тенденциялари ва истиқболлари // Педагогик кадрларни тайёрлаш, тарихийлик, замонавийлик, истиқбол. Тошкент Давлат Педагогика университетида 2015 йил, 29 сентябрда ўтган илмий-амалий конференция материаллари. Т., 2015
- 2.Мусурмонова О. Педагогик технологиялар – таълим самарадорлиги омили; монография / Т.: “Yoshlar nashriyot uyi”, 2020. 184
- 3.Мирсолиева М.Т Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг касбий компетентлигини ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш : Пед.фанл. доктори. ... дисс. автореф. – Т.: 2019. – 24 б.
- 4.Методологик аспект. Педагогик технология: муаммо ва истиқболлар (замонавий педагогик технологиянинг илмий-назарий асослари). Муаллифлар гурухи. / Т.:ОЎМКХТРМ, 300 бет.
- 5.Педагогик компетентлик ва креативлик асослари / Муслимов Н.А., Усмонбоева М.Х., Сайфуров Д.М., Тўраев А.Б. – Тошкент, 2015. – 120 бет. Ўқув-методик кўлланма
- 6.<https://tmetod.uz/wp-content/uploads/Pedagogik-komponentlik-va-kreativlik-asoslari.pdf>